

O'zbekistonda sog'liqni saqlash Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган • @uzssgzt, uzss@yandex.ru • 2023 йил 9 февраль • №6 (1440)

ХАЛҚАРО ТАЖРИБА

ЎЗБЕКИСТОН АҚШНИНГ ПАНДЕМИЯ ДАВРИДА КЎРСАТГАН АМАЛИЙ КЎМАГИДАН МИННАТДОР

Ўзбекистон соғлиқни сақлаш вазири Амрилло Иноятов АҚШнинг Ўзбекистондаги Фавкуллда ва мухтор элчиси Жонатан Хеник ҳамда USAIDнинг юртимиздаги миссияси вакиллари билан мулоқот ўтказди. Вазирлик матбуот хизматининг хабар беришича, самимий руҳда ўтган учрашувда тиббиёт соҳасида ўзаро ҳамкорлик масалалари муҳокама қилиниб, келгусидаги режалар белгилаб олинди.

Қайд этилганидек, Ўзбекистон АҚШнинг коронавирус пандемияси даврида кўрсатган амалий кўмагидан миннатдор. Хусусан,

COVID-19га қарши кураш учун COVAX дастури доирасида етказиб берилган вакциналар мамлакатимизда эпидемиологик вазиятни барқарорлаштириш ва аҳоли саломатлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этди.

Шу билан бирга, кейинги йилларда юртимизда USAID грантлари асосида рўёбга чиқарилаётган қатор лойиҳалар тиббиёт соҳасини замон талаблари даражасида ривожлантириш имконини бермоқда. Масалан, мамлакатимизда сил ва ўпка касалликларининг олдини олиш, тиббиёт муассасаларини махсус тиббий ускуналар билан жиҳозлаш, ОИВ, гепатит В ва С ҳамда бошқа юқумли инфекцияларга қарши курашиш, санитария-эпидемиология ва тиббиётнинг бошқа қатор йўналишлари



бўйича ҳамкорлик алоқалари мустаҳкамланяпти.

Учрашувда келгусида тиббий таълимни ривожлантириш, хусусан, АҚШдаги тиббиёт

университетлари билан мамлакатимиздаги соҳага ихтисослашган олий ўқув юртлири ўртасида ҳамкорликни ривожлантириш, шифокор ва ҳамши-

ралар тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини ошириш бўйича қўшма дастурларни рўёбга чиқариш истиқболлари юзасидан келишиб олинди.

ИМКОНИАТ

ТИББИЙ МАЪЛУМОТНОМАЛАР ҚОҒОЗ ШАКЛИДА ТАЛАБ ҚИЛИНМАЙДИ

Президентнинг “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини “Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида”ги жамоатчилик муҳокамасига қўйилган фармони лойиҳасида аҳолига бирламчи тиббий хизматларни яқинлаштириш ва уни сифатли тиббий хизматлар билан таъминлаш, касалликларни эрта босқичда аниқлаш, беморларга қўшимча қулайликлар яратиш чоралари белгиланди.



Жорий йилда 30 та оилавий поликлиника, 110 та оилавий шифокорлик пункти ва 520 тагача ихчам маҳалла тиббиёт пункти ташкил этилиши кўзда тутилган. 18-40 ёшли 12,6 миллион нафар аҳолини профилактик кўриқдан ўтказиш, 40 ёш ва ундан катта ёшдаги сурункали касаллиги бўлмаган 6,3 миллион нафар аҳолини юрак қон-томир касалликлари ва

қандли диабет, 3 миллион нафар аҳолини онкологик касалликларни эрта аниқлаш бўйича скрининг текширувлардан ўтказиш, спинал мушак атрофияси билан касалланган 112 нафар бола дори воситалари билан таъминланади. Шунингдек, эшитиш заифлиги мавжуд бўлган 250 дан ортиқ болаларда кохлеар имплантация операцияларини ўтказиш, бундай операциялар ўтказилган 132 нафар

болада нутқ процессорларини алмаштириш чоралари кўрилади. Мазкур амалий тадбирларга 308,4 миллиард сўм маблағ ажратилади.

2024 йил 1 январдан бошлаб тиббий маълумотномалар қоғоз шаклида талаб қилинмайди.

Вактинча меҳнатга лаёқатсизлик варақалари ва бошқа тиббий маълумотномалар берилиши босқичма-босқич

электрон шаклга ўтказилади. Бунда вактинча меҳнатга лаёқатсизлик варақалари ва бошқа тиббий маълумотномалар Навоий ва Сирдарё вилоятларида – 2023 йил 1 июлдан бошлаб, Тошкент шаҳри, Тошкент ва Самарқанд вилоятларида – 2023 йил 1 октябрдан бошлаб, республиканинг бошқа ҳудудларида – 2024 йил 1 январдан бошлаб электрон шаклга ўтказилади.

2023 йил 1 июлдан бошлаб Тошкент шаҳрида босқичма-босқич давлат тиббий суғуртаси механизми жорий этилади. Сирдарё вилоятида тиббий суғуртани жорий этиш бўйича ўтказилган эксперимент натижаларини инобатга олган ҳолда, ушбу тизим босқичма-босқич республиканинг бошқа ҳудудларида ҳам қўлланилади. Бунда, тиббий хизматларни молиялаштириш яхшиланиши ҳисобига аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифати ҳам ошади. 2023 йил якунига қадар ногиронлиги бўлган шахсларни амбулатор ва стационар шароитда бепул тиббий-ижтимоий реабилитация чоралари билан камраб олиш кўлами 30 минг нафарга етказилиши кўзда тутилмоқда.

Натижада, бепул тиббий-ижтимоий реабилитация хизматини олаётган ногиронлар сони амалдаги 15 минг нафардан 30 минг нафаргача етказилади. Мазкур тадбирларга жорий йилда қўшимча 5 миллиард сўм маблағ ажратилади.

@ssvuz.

ЗАХИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР ТАВАЛЛУДИНИНГ 540 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

Улуғ аждодимиз Заҳириддин Муҳаммад Бобурни, авваламбор, Ҳиндистонда 300 йилдан ортиқ ҳукм сурган буюк Бобурийлар салтанатининг асосчиси бўлмиш Темурий подшоҳ ҳамда жаҳонда эътироф этилган мухташам қомусий маънавий ёдгорлик – “Бобурнома” ва “Мубаййин” ҳуқуқий асарининг муаллифи мақомида яхши биламиз. Табиийки, Мирзо Бобур дилбар шоир бўлиб, ғазаллари, рубоий ва маснавийлари адабиётимизнинг гултож асарлари сифатида ҳамisha юксак қадрланади.

баён услуби орқали чуқур билимдонлик билан тушунтириб берилган. Асарда ислом дини асосларини ўқувчи онгига секин-аста ва мустаҳкам сингдириб бориш мақсадида бадиий воситаларнинг бобма-боб санъаткорона қўлланилиши таҳсинга лойиқдир. Буларнинг барчаси, ўз навбатида, бугунги кунда Бобур Мирзонинг эътиқодий қарашлари, фақиҳ, яъни фикҳшунос олим сифатида диний илмларга қўш-



Австриялик немис олими ва ёзувчиси Фриц Вюртле томонидан немис тилида ёзилган “Анджон шаҳзодаси” (“BABUR, der TIGER”, сўзма-сўз таржимаси: “Бобур-йўлбарс”) номли саргузашт-қисса Бобур халқаро жамғармаси илмий экспедициясининг кейинги сафарларидан бирида, Германияда қўлга киритилган яна бир муҳим китобдир. Бугунги кунда асл нусхаси Бобур халқаро жамғармасининг Анджондаги музейида сақланаётган ушбу китоб 1947 йилда Австрияда, Вена шаҳридаги “S. Jörgl & Co” нашриётида чоп этилган.

ўз даврида Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор қаламига мансуб “Рисолаи волидийя” асарини форсийдан ўзбек тилига таржима қилган бўлиб, кейинги йилларда тасаввуфга оид бу китоб илмий муомалага киритилди. Шунингдек, Бобурнинг “Куллиёт”и Техрон миллий кутубхонасидан топиб келинди. “Хатти Бобурий” алифбосида кўчирилган Куръони карим Машҳад музейидан Ватанимизга келтирилди.

1998 йилдан бошлаб Бобур халқаро жамғармасининг бобуршунослик соҳасидаги халқаро мукофоти таъсис этилиб, ўтган даврда бу йўналишда улкан илмий-ижодий изланишларини эълон қилган ўзбекистонлик ва хорижлик бир қатор атоқли олим ва адиблар мазкур мукофот билан тақдирлангани диққатга сазовор, албатта. Ушбу мукофотнинг илк совриндорларидан бири – япон олими Эйже Манонинг “Бобурнома” бўйича амалга оширган бекиёс ишлари ҳар қанча таҳсинга лойиқ. Ёки бўлмаса, америкалик олим С. Беркнинг “Акбаршоҳ – Бобурийларнинг энг буюғи” асари, таникли инглиз адибаси Румер Годен хонимнинг “Гулбадан”, Муҳаммад Ҳайдар Мирзонинг “Тарихи Рашидий” асарлари каби бир қанча ноёб китоб ва рисоаларнинг бизга, Бобур авлодларига етказиб берилиши – буларнинг барчаси маънавий ҳаётимизда катта воқеа бўлди, десак, асло янглишмаймиз.

Айни вақтда Я. Кжижовский Бобур Мирзо назмий жавоҳирларидан бир шодасини поляк тилига таржима қилиб, алоҳида китоб ҳолида нашр эттирди. Ушбу тўплам 2013 йили Варшавада “Indo-Polish Cultural Committee” нашриёти томонидан чоп этилган. Поляк таржимони Я.Кжижовский томонидан тақдим этилган. Хусусан, китобдан Бобур қаламига мансуб 116 та ғазал, 146 та рубоий, 5 та китъа, 16 та фард ва 8 та маснавий, жами 291 та шеърый асар таржималари жой олган. Тўплам охирида мухташар луғат ҳам илова қилинган. Бу, шубҳасиз, Бобур назмий асарларида қўлланилган эски ўзбек тилидаги баъзи мураккаб сўз ва атамаларни, миллий мумтоз адабиётимиз анъаналари, халқимизнинг олис тарихи билан боғлиқ айрим муҳим тушунча ва истилоҳларни билиш ҳамда тўғри талқин қилишда поляк китобхонларига яқиндан кўмак беради. Дилбар шоиримизнинг гўзал шеърлари таржималаридан жамланган ушбу назмий гулдаста фақат поляк китобхонлари учун ажойиб тухфа бўлибгина қолмай, айни чоғда халқимиз маънавий ҳаётида ҳам муҳим воқеадир.

Мухтасар айтганда, Заҳириддин Муҳаммад Бобур асарларини ўрганиш бўйича қилинган ҳар қандай эзгу амал, бу борада нашр этилган ҳар бир китоб – Бобур шахсини, Бобур ҳаёти ва ижодини янада терең билиш ҳамда англаш учун очилган янги йўл ва бу йўлда қўйилган кутлуғ қадамдир. Зеро, Президент қароридан таъкидланганидек, “Жонажон Ватанимиз миллий ривожланишининг янги босқичига – Учинчи Ренессанс даврига қадам қўяётган, ҳаётимизнинг барча жабҳаларида туб ўзгаришлар юз бераётган бугунги кунда Бобур Мирзонинг бебаҳо меросини чуқур ўрганиш ва оммалаштириш янада муҳим аҳамият касб этмоқда”.

Акмал САИДОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси
Спикерининг биринчи ўринбосари.

УЧИНЧИ РЕНЕССАНС ВА БОБУР МИРЗОНИНГ МАЪНАВИЙ-ҲУҚУҚИЙ МЕРОСИ

Шу маънода, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 25 январда қабул қилинган «Буюк шоир ва олим, машҳур давлат арбоби Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 540 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида»ги қарори мамлакатимиз маънавий ҳаётида мантиқан тўла асосга эга улкан воқеа бўлди. Қарор мазмун-моҳиятининг тереңлиги ва қамровдорлиги билан ниҳоятда катта аҳамиятга эга. Чунки ижоди серкирра, бетакрор бўлган шоҳ ва шоир бобомизнинг кутлуғ таваллуд санасини Президентимиз Шавкат Мирзиёев шахсан тасдиқлаган Дастур асосида – мамлакатимизда ва жаҳон миқёсида тизимли тартибда ҳамда кенг қўламда нишонлашмиз.

Мустақиллик йилларида мутафаккир боболаримизнинг бой маънавий-маърифий меросини ҳар томонлама ўрганишга эътибор тубдан кучайди. Шу жумладан, Бобур ҳазратларининг ижодини терең таҳлил ва тадқиқ этиш имкониятлари ниҳоятда кенгайди. Ўтган даврда “Бобурнома”, “Мубаййин” ҳуқуқий асари, Бобурнинг шеърый девони қайта-қайта чоп этилди. Чиндан ҳам, кейинги йилларда Тошкент ва Анджон шаҳарларида Бобур Мирзонинг муаззам ҳайкаллари ўрнатилгани, унинг туғилиб ўсган юрти – Анджон шаҳрида Бобур номидаги халқаро жамоат фонди ва унинг тасарруфидаги “Бобур ва жаҳон маданияти” китоб музейи фаолият кўрсатётгани, “Бобур энциклопедияси”, “Бобур куллиёти”, “Бобур. Бабуриды. Библиография” деб номланган салмоқли асарларнинг нашрдан чиқарилгани, “Бобур ва дунё” журналининг ташкил қилингани маданий ҳаётимизда катта воқеа сифатида эътироф этилди. Айни чоғда, Юртбошимизнинг мазкур қарори 2023 йил – Ватанимизда «Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили» деб эълон қилингани билан чамбарчас боғлиқдир. Нега деганда, Бобур Мирзо ижодий меросини ўрганишининг энг муҳим жиҳатларини олий таълим муассасалари ҳамда мактаб таълими ўқув дастурларининг мазмун-мундарижасига сингдириб

бориш масаласи давлатимиз раҳбари томонидан долзарб вазифа сифатида белгилаб берилди. Бу, ўз навбатида, Бобур ҳазратларининг ҳассос китоблари, хусусан, «Бобурнома», «Девон», «Аруз рисоласи», «Рисолаи волидийя», «Мубаййин» каби асарларини ҳар томонлама чуқур ўрганишга янада равон йўللари очмоқда. Шу ўринда, даставвал, Заҳириддин Бобурнинг шоҳу шоирлик қатори фикҳ илми, ҳозирги замон ибораси билан айтганда, ҳуқуқшунослик билан ҳам шуғуллангани ва бу мавзуда “Мубаййин” деб аталган эътиборли асар яратгани ҳақида сўз юритамиз. Бобур Мирзо умрининг сўнгги йилларида, яъни 1521 йилда ўғиллари Ҳумоюн Мирзо ва Комрон Мирзога атаб ёзган мазкур китоби – ислом ва фикҳ асосларини баён этувчи йирик асар бўлиб, эътиқод, салот (намоз), закот, савм (рўза) ва ҳаж масалаларига бағишланган бешта қисмдан иборат. Қамнага ушбу асар ҳақида илқ бор бундан йигирма йилча бурун атоқли бобуршунос олима, академик Сабоҳат Азимжонова гапириб берганди. Ўша суҳбатларимизда эътироф этилганидек, Бобур Бурҳониддин Марғинонийнинг “Ҳидоя”, Имом Бухорийнинг “ал-Жомий ас-Саҳиҳ”, Имом Мотуридийнинг “Тавҳид”, Фахриддин Али Сафийнинг “Рашаҳот айн ал-ҳаёт”, Алишер Навоийнинг “Сирож ул-муслимин” ва бошқа машҳур муҳаддис, фикҳшунос ва мутафаккир зотлар асарларини диққат билан ўрганган. Мутахассисларнинг қайд этишича, Бобур Мирзонинг ижтимоий-фалсафий ва диний-ҳуқуқий қарашлари Абу Ҳанифа мазҳабидаги ислом фақиҳлари қарашлари мажмуасининг таркибий қисмини ташкил этган.

“Мубаййин” – маснавий жанрида ёзилган бўлиб, фикҳий масалалар олим, адиб ва шоҳ Бобурнинг ўзига хос

ган ҳиссасини илмий жиҳатдан ўрганишга асос бўлиб хизмат қилмоқда. Истиклол йилларида мамлакатимизда Бобур Мирзонинг “Мубаййин” асари уч марта нашрдан чиқарилган. Биринчи нашри – “MUMTOZ CO'Z” нашриётида 2011 йили, иккинчиси – Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриётида 2000 йили ва учинчи нашри – “Шарқ” нашриётида 2020 йили чоп этилди.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур қаламига мансуб “Мубаййин” асари нашрдан-нашрга мукамаллашган ҳолда ўқувчига етказилаётгани ҳар қанча эътибор ва эҳтиромга муносибдир. Бинобарин, ўз тарихига, тўпланган тажрибага, дунёда энг катта бойлик саналган интеллектуал салоҳиятга чуқур ҳурмат билан ёндашиш ҳар қандай давлатнинг моддий ва маънавий тараққиёти асосини ташкил этади. Айтиш жоизки, ушбу китобнинг учинчи нашрига таникли шоир, таржимон ва аллома Мирзо Кенжабек қўл ургани бежиз бўлмаган. Зотан, “Мубаййин”, бир томондан, ўзбек тилида яратилган ва мумтоз шоир қаламига мансуб бўлган эътиборли асарлар туркумига кирса, иккинчи томондан, тилимизнинг шираси ва бойлигини тўлалигича акс эттирадиган диний ва бадиий адабиётнинг ёрқин намунаси ҳисобланади. Бевосита “Мубаййин” асарининг ўрганилиши ва чоп этилиши ҳақида сўз борганда, Шарқда – Шайх Зайн, Мулла Мир Махдум Тошкандий, С.Азимжонова, С.Шукруллаева, О.Хусанбоев, Н. Расулзода, Е.Березин, А.Самойлович каби олим ва ноширлар, Фуод Кўпрулу, Танжу Ўрал Сейҳан, шунингдек, ҳинд олимлари Абул Фазл Алломий ва Бадоуний, Ғарбда – Бевириж, Спрингер каби шарқшуносларнинг хизматларини алоҳида қайд этиш мақсадга мувофиқдир.

Маълумки, Бобур Мирзо

АЛИШЕР НАВОИЙ ТАВАЛЛУДИНИНГ 582 ЙИЛЛИГИ


Ўзбек адабий тилининг асосчиси, шеърят бўстони Мир Алишер Навоий (1441-1501) хазратлари она тилимизнинг нафосатини, ғоят гўзаллига-ю бетакрорлигини оламларо тараннум этган буюк ижодкор. Шу маънода олиб қараганда, бу улуғ бобокалонимиз шеърят осмонида ҳамон қуёш мисол порлаб турибди. Навоийнинг миллий адабиётимиз ва она тилимиз олдидаги энг буюк хизмати шундаки, у эски ўзбек тилида ўлмас асарлар битиш орқали туркий тилнинг нечоғлик кенг имкониятларга эга эканлигини дунёга танитди. Аини пайтда бу улуғ мутафаккир маърифат ва маънавиятни юксалтиришга, адабиёт, санъат, маданият, илм-фан билан бир қаторда табобат соҳасини ривожлантиришга, инсонлар саломатлигини муҳофаза этишга ҳам улкан ҳисса қўшди.

Хусайн Бойқаро саройида бош вазирлик лавозимини эгаллаган буюк шоир ва давлат арбоби – Алишер Навоийнинг хизматлари катта. Бу ҳақида шарқшунос олимлар Махмуд Ҳасаний ва Сурайё Каримова муаллифлигида ёзилган “Навоий даври табобати” номли асарда батафсил баён этилган. Навоий ўзи табиб бўлмаса ҳам ўтмишдаги буюк табибларнинг асарларини севиб ўқиган, улар ҳақида ўз фикр ва мулоҳазаларини билдирган. Унинг шахсий кутубхонасида Абу Али ибн Сино, Абу Бакр ар-Розий ва бошқа табибларнинг китоблари бўлган. Навоий Ибн Синога жуда юксак баҳо берган. Уни ақл-идрок ва тафаккур рамзи, деб атаган. Навоийнинг табиблар ва тиббиёт ҳақидаги фикрлари асосан унинг машҳур асари “Маҳбуб ул-қулуб”да баён этилган. Бу асарда Навоий тиббиёт ва табиблар масаласига махсус боб (15-бобни) бағишлаган. Асар Навоий ҳаётининг сўнгги йилларида ёзилган бўлиб, узоқ йиллар давомида тўплаган ҳаётий тажрибалари маҳсулидир. Асарнинг асосий ғоялари инсонпарварлик, халқпарварлик, адолат, яхшилик ва халқ фаровонлиги ҳақида қайғуришдир. Шу сабабли, китобнинг табиблар ҳақидаги фасли унда асосий ўринлардан бирини эгаллайди. Навоий бу фаслни баён этишга киришар экан, аввало табибнинг ўзи қандай киши бўлиши керак, у қандай фазилатларга эга бўлиши лозимлиги ҳақида тўхталади. Навоийнинг таъкидлашича, табиб ўз фанининг мохир билимдони бўлиши керак. У донишмандлар сўзига амал қилиб, уларга эргашмоғи лозим, мулойим сўз ва бемор кўнгилни кўтарувчи, андишани, хушфел бўлмоғи керак. Бундан кўриниб турибдики, Навоий табиблар олдида жуда масъулиятли талаблар қўйган. Дарҳақиқат, табиб ўз касбининг мохир билимдони бўлиши керак. Агар у ўз касбини яхши ўзлаштирмаган бўлса саёз фикрли, тажрибасиз табиб бўлса, қандай қилиб беморнинг касалини аниқлай олади, касаллик аниқлай олмаган табиб, уни даволай оймайди ҳам. Бунга Навоий алоҳида эътибор берган.

Навоий табиблар олдида қўйган талаблардан иккинчиси “беморларга раҳм-шафқат билан муомила қилиш лозим”лигидир. Бу ерда Навоий табиблик касбини бошқа ҳамма касблардан ажратиб турувчи асосий сифати – инсонпарварлик ҳақида сўз юритади. Кишилар табибларга ўзларининг энг бебаҳо бойликлари – ҳаётларини ишониб топшириб қўяр эканлар, демек

ТИББУ ҲИКМАТ ҲАМ ЭРУР ХЎБ

Навоий даври табобати ҳақида чизгилар



улар ишонччи қадирлашлари,

беморларга раҳм-шафқат билан муомала қилишлари, уларнинг ҳаётлари ва саломатликлари ҳақида қайғуришлари зарур. Тиббнинг энг юксак вазифаси – кишини хасталик азобидан халос этишдир. Аммо табиблар орасида беморларга нисбатан бешафқат ва бепарқ муносабатда бўлувчилар ҳам учрайди. Навоий даврида ҳам шундайлар бўлганлиги табиийдир. Бундай табибларни Навоий жаллодга ўхшатади ва шундай ёзади: “Табобат фанида саводсиз табиб худди жаллоднинг шогирди кабудир. У тиг билан ўлдирса, бу заҳар билан азоблайди. Шубҳасиз, жаллод бундай табибдан яхшироқдир. Зеро у гуноҳсизларни ўлдирди, бу эса гуноҳкорларни ҳалок қилади. Ҳеч бир гуноҳкор жаллод қўлида хор бўлмасин, ҳеч бир бегуноҳ касал бўлмасин, бундай ношуд табибга зор бўлмасин”.

Навоий саломатлик ва тиббиёт ҳақида сўз юритар экан, ичкиликбо-

злик киши саломатлигига зарарли таъсир этишини ҳам кўрсатиб ўтади. Масалан, у “муттасил ичиш саломатликни кемиради” деб ёзган. Шаробни заҳарга ўхшатади ва “одамийликни, саломатликни йўқотиш учун қадаҳ-қадаҳ заҳар ичиш қандай қоида” деб хитоб қилади. Навоий соғ-саломат бўлишни истаган киши ҳар хил бузук, ярамас ишлар қилмаслиги, ўзини эҳтиёт қилиши кераклигини таъкидлайди.

Тарихий манбаларга кўра, Навоий ташаббуси билан мамлакатда 300 дан ортик турли маданий-маиший бинолар, шифохоналар, дорихоналар, тиббий мактаблар барпо этилган. Касалхоналарда тажрибали табиблар беморларни даволаганлар. Шулардан бири Нейматуллоҳ ибн Фахриддин Муборакшоҳ Ҳаким Кирмоний бўлиб, у Хусайн Бойқаронинг шахсий табиби эди.



ёйилган эди. Бу ерга бошқа мамлакатлардан кўплаб табиблар келиб, билим олишган ва мутахассис бўлиб, ўз юртиларига қайтишган.

Навоий замонида яшаган ва Ҳиротнинг турли шифохоналарида ишлаб, талабаларга тиб илмидан дарс берган машҳур табиблардан баъзилари ҳақида тўхталиб ўтаемиз.

Дарвеш Али чуқур билим ва катта тажрибага эга бўлган ҳаким эди. Тарихчиларнинг ёзишича, у камтарин, хушфел ва ёқимтой киши бўлган. Дарвеш Алида шоирлик истездоди ҳам кучли бўлган. У баъзи тиббий асарларни назм билан ёзган. Дарвеш Али Ҳиротдаги “Дор уш-шифох” (“Даво маскани”) касалхонасига раҳбарлик қилган ва шу ерда талабаларга тиббиётдан дарс берган. Унинг “Кишиларга эслатма” номли тиббий асари мавжуд. Бу асарда муаллиф саломатликни сақлаш ва касалликни даволаш ҳақида сўз юритади.

Мавлоно Низомиддин Абдулхай. Бу табиб ўз замонасида амалий тиббиётда юксак тажрибали ва билимдон мутахассис бўлган. Баъзи маълумотларга кўра, у Навоийнинг шахсий табиби ва яқин кишиси бўлган.

Шайх Хусайн мохир жарроҳ бўлган. У марақаб операцияларни ҳам қила олган. Табиб беморни операция қилишда оғрикислантирувчи модда ишлатган. Операция қилинган жойни тикишда қўй ичагидан тайёрланган тор (ип) ишлатган.

Шарқ мамлакатларида хусусан Ўрта Осиё шаҳарларида шифохоналар қошидаги дорихоналардан ташқари алоҳида жойлашган дорихоналар ҳам бўлган. Уларда табибларнинг рецептлари бўйича беморларга дори тайёрлаб берилган. Шундай дорихоналардан бири ҳақида Алишер Навоий бундай маълумот берган: “Ҳиротда Ҳожи Али Ҳасан Кирмоний исмли доришунос яшайди. Унинг дорихонаси бор. У ўз касбига жуда масъулият билан қарайди. Дориларни мохирлик билан тайёрлайди”.

Демак, Хусайн Бойқаро даврида мамлакатда илм-фан, айниқса тиббиётнинг ривожланиши бевосита Алишер Навоий номи билан чамбарчас боғлиқдир. Бу ҳақида Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўзининг машҳур “Бобурнома” асарида қуйдагича ёзган эди: “Фан ва санъат аҳлларини Алишербекдек қўллаб-қувватлаган одам бўлмаган. ... Халқ учун фойдали биноларни Навоийдек кўп қурдирган одам бўлмаса керак.

Навоий ўзи табиб бўлмаса ҳам ўтмишдаги буюк табибларнинг асарларини севиб ўқиган, улар ҳақида ўз фикр ва мулоҳазаларини билдирган. Унинг шахсий кутубхонасида Абу Али ибн Сино, Абу Бакр ар-Розий ва бошқа табибларнинг китоблари бўлган.

У фақат табиб эмас, шу билан бирга чуқур билимли файласуф, олим ва шоир эди. Шунинг учун ҳам уни замондошлари буюк шоир ва иккинчи Ибн Сино, деб атаганлар. 1480–1482 йилларда Навоий кўрсатмаси ва иштироки билан Ҳиротда махсус тиббий комплекс барпо этилди. Бу мажмуа “Шифохия” номли касалхона, “Ихлосия” номли мадраса ва “Сафоҳил” номли ҳаммомдан иборат эди. Мадрасанинг шухрати ўша вақтда бутун Шарқ давлатларига

Шундай қилиб, юқорида баён этилган тарихий маълумотлар асосида биз Темур ва темурийлар даврида мамлакатдаги умумий юксалиш жараёнида тиббиёт ҳам яхши ривож топганининг гувоҳи бўлдик. Шаҳарларда касалхоналар, тиббий мактаблар, кутубхоналар қурилди. Ўнлаб машҳур табиблар етишиб чиқди. Улар беморларни даволаш билан бирга, тиббиётга оид илмий асарлар ҳам ёзишган. Бу нодир ва ноёб асарларни ўрганиш, уларни бугунги кун тиббиёт ривожига татбиқ этиш мақсадга мувофиқдир.

Намозжон ГОЛИПОВ,
журналист.

“ЎЗБЕКИСТОН ТИББИЁТИ – ИНСОН ҚАДРИ УЧУН”

Сўнгги йилларда юртимизда ихтисослашган тиббий хизмат аҳолига янада яқинлашди. Натижада олис ва чекка ҳудудларда нафақат касалликларни самарали даволаш, балки эрта аниқлаш ва олдини олиш имкониятлари кенгаймоқда.

даги, туман даражасида 150 турдаги янги даволаш ва диагностика усуллари татбиқ қилинади. Бунинг натижасида, йилига 2 миллион нафар аҳоли ўз яшаш ҳудудида малакали тиббий хизмат олиши мумкин бўлади. Марказларнинг 1 140 нафар мутахассисларини сафарбар қилиш



Шунингдек, буйрак трансплантацияси амалиёти 2022 йилдаги 350 тадан жорий йилда 500 тага, жигар трансплантацияси 20 тадан 50 тага оширилади.

Зайниддин САЙФУТДИНОВ,
Соғлиқни сақлаш вазирлиги
ихтисослаштирилган марказлар фаолиятини
мувофиқлаштириш бошқармаси бошлиғи.

**200 ТУРДАГИ ЯНГИ ДАВОЛАШ ВА
ДИАГНОСТИКА УСУЛЛАРИ ЖОРИЙ ҚИЛИНАДИ**

Бунда сўнгги 6 йилда мамлакатимиздаги ихтисослашган тиббиёт марказлари сони 10 тадан 24 тага етказилгани, ҳудудларда уларнинг филиаллари ташкил этилаётгани ҳал қилувчи аҳамият касб этмоқда. Ай-

тиш керакки, 2023 йилдан мазкур йўналишда янги ишлаш тизими йўлга қўйилади.

Унга кўра, Республика ихтисослаштирилган марказлари амалиётига 200 турдаги, вилоят даражасида 370 тур-

орқали ҳудудларда жигар, қон-томир, корин, кўкрак кафаси, трансплантология, микрохирургия, реконструктив ва пластик жарроҳлик амалиётлари кенг жорий этилади.

ИМКОНИАТ

Республика ихтисослаштирилган онкология ва тиббий радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг 2023 йил ҳудудий филиалларда марказ мутахассислари томонидан хавфли ўсмаларни бартараф этиш бўйича жами 10 та янги диагностика ва даволаш усуллари амалиётга татбиқ этиш режалаштирилган.

слари, семинарлар ўтказмоқда. Жойларда аҳоли учун тиббий кўриклар ташкил этиляпти.

2022 йил ҳудудларда 10 000 нафарга яқин аҳоли иштирокида ўтказилган тиббий кўрикларда 6 156 нафар бемор аниқланиб, уларнинг 114 нафаридан юқори технологик жарроҳлик операциялари ўтказилди.

Марказ амалиётга 7 турдаги, вилоят даражасида 24 турдаги, туман да-

ДАВР ТАЛАБИ

Маркировканинг асосий мақсади – аҳолини қалбаки дори воситаларидан химоя қилиш, унинг тарқалишига қарши курашишдан иборат.

Халқаро тажриба шуни кўрсатадики, ушбу механизмнинг жорий этилиши дори воситаларини нафақат ишлаб чиқариш, балки уларнинг импортидан то охиригача истеъмолчи қўлига етиб бориши ҳамда муомаладан чиқарилишигача бўлган ҳаётий циклини кузатиш ва назорат қилиш имконини беради. Тизим орқали, истеъмолчи сотиб олаётган дори воситасининг қалбаки эмаслиги, уни ҳаёти ва саломатлиги учун хавфсизлигига ишонч ҳосил қилиши мумкин бўлади. Айтиш жоиз, Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорига кўра, Ўзбекистонда ҳам дори воситаларини босқичма-босқич мажбурий маркировкалаш тизимига ўтил-

моқда. Давлат ва хусусий шериклик асосида яратилган миллий тизим орқали эндиликда дори воситала-



яратилмоқда. Ушбу тизим истеъмолчиларга нима беради? Бундай рақамли белгиларни қўллаш истеъмолчилар учун дори воситаси

**ДОРИ ВОСИТАЛАРИНИ
РАҚАМЛИ
МАРКИРОВКАЛАШ
НИМА УЧУН КЕРАК?**

рени маркировкалаш ҳақидаги барча маълумотларни мониторинг қилиш мотларни олиш имконини яратади.

Энди сиз дорихонадан бирор дори воситасини харид қилишдан аввал, ишлаб чиқарувчи ва уни мамлакатимизга импорт қилган компания номи, ишлаб чиқарилган жой, реализация қилаётган шахс, стандарт рақам каби маълумотларни дори воситасининг қадозигадаги махсус кодни сканерлаш орқали билиб оласиз. Бу маълумотлар эса давлат ахборот тизимида сақланади.

Азиз АБДУМАЛИКОВ,
Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника экспертизаси ва стандартлаштириш Давлат маркази мутахассиси.

**10 ТА ЯНГИ ДИАГНОСТИКА
ВА ДАВОЛАШ УСУЛЛАРИ
АМАЛИЁТГА ТАТБИҚ ЭТИЛАДИ**

Ҳудудларда 1000 нафар беморда тиббий кўрик ва 375 нафаридан даволаш амалиётлари ўтказилади. Шунингдек, жорий йил ҳудудларда 50 нафар, марказда 70 нафар ва хорижда 50 нафар мутахассислар малака ошириши кутилмоқда.

Яна бир янгилик шуки, Тошкент тиббиёт академияси ҳудудида қурилган марказнинг янги замонавий биносида илмий ва амалий фаолият йўлга қўйилади. Илм-фан йўналишида 13 та илмий даража (4 та фан доктори, 9 та фалсафа доктори) химояси бўлиб ўтади. Марказимизнинг етакчи мутахассисларидан иборат гуруҳлар мунтазам равишда



ҳудудларга чиқиб, маҳорат даражасида эса 2 турдаги янги жарроҳлик ва диагностика усуллари татбиқ қилиниб, умумий амалиётлар сони 2021 йилга нисбатан 36 фоизга ошди.

Нагижада, жигар ўсмалари, сут беши ва бачадон бўйни раки, коллоектал ва буйрак саратони каби касалликлар бўйича беморларнинг хорижга чиқишлари қарийб 70 фоизга камайди.

Ўтган йилнинг ўзида онкологик муассасаларда фаолият юритаётган 112 нафар мутахассис марказда, 78 нафари эса хорижда қайта тайёрланди.

Мирзағолиб ТИЛЛАШАЙХОВ,
Республика ихтисослаштирилган онкология ва тиббий радиология илмий-амалий тиббиёт маркази директори.

ЭЗГУЛИК**КАМ ТАЪМИНЛАНГАН ОИЛАЛАР УЧУН ТИББИЙ КЎРИК ТАШКИЛ ЭТИЛДИ**

Бугун “Соғлом авлод учун” ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро хайрия фонди Сирдарё вилояти бўлими патронаж бригадаси вилоятимизнинг чекка ҳудуди бўлган Гулистон туманидаги “Боёвут” хўжалигида жойлашган Норхол Худойқулова мудирилик қилаётган оилавий шифокорлик пункти билан ҳамкорликда тиббий-кўрик ташкил этилди.

Тиббий кўрик жараёнига, ушбу ҳудудда истиқомат қилаётган, ижтимоий ҳимояга муҳтож “Аёллар дафтари”да рўйхатда турган хотин-қизлар ҳамда болалар камраб олиниб, малакали мутахассислар кўриги ва УТТ текширувидан ўтказилди. Соғлиғида муаммоси бор, ижтимоий кўмакка муҳтож фуқароларга фонд ҳисобидан бепул дори-дармонлар, кўзойнақлар тарқатилди. Шундан сўнг, фонд ходимлари томонидан “Қариндошга куда бўлманг”, “Соғлом турмуш тарзи”, “Тиббий кўрикнинг аҳамияти” каби мавзуларида тарғибот тадбири ташкил этилди.

САЛОМАТЛИК ОЙЛИГИ

